



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 210 (19.586). • 1986 йил 14 сентябрь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

ЯНГИ ҲОСИЛ ТОЛАСИ ТАЙЁР

Ўзбекистоннинг пахта тозалаш заводлари янги ҳосил хом ашёсини қайта ишлашга киришди. Толанинг дастлабки бир неча минг тоннаси жўнатишга тайёрлаб қўйилди.

Бухоро областининг қорхоналари 2,5 минг тоннадан ортиқ тола ишлаб чиқаришди. Социалистик мусобақа пешқадами Гинжувон пахта заводи коллективи кеча-кундуз омилкорлик билан маҳсулотни тежаб-тергаб ишламоқда. Қорхона коллективи минг тоннадан кўпроқ маҳсулот тайёрлади. Қашқадарё, Сурхондарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг пахта тозаловчилари меҳнат ваҳтасида турибдилар.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш бошқармасидан хабар беришларича, термоддаги барча 121 қорхона янги ҳосилни қабул қилиб олишга шай бўлиб турибди.

Мавсумга 500 дан кўпроқ қуришти-тозалаш цехлари қўшимча тарзда тайёрлаб қўйилди. Заводлар ва тайёрлаш пунктларида янги транспортёрлар, қабул қилиш куртилмалари ва бошқа техника — жами 750 механизм урилтидди. 170 та янги пахта гарамлаш мейдонлари бунёд этилди, пахтани қуриштиш ва тозалаш учун ўнлаб поток линиялари, шунингдек пахта қиғитини туксилантирадиган янги машиналар ишга солинди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси беш йилликнинг биринчи ҳосилини қисқа муддатларда қайта ишлашга, хом ашёдан тола тозаловчилари меҳнат ваҳтасида эришишга, тўқимачилик хом ашёсининг сифатини кўтаришга ёрдам бериши керак.

[ЎЗАТА].



АДОЛАТ БИЗ ТОМОНДА

Михаил Сергеевич Горбачёвнинг ядровий сиёсатини тўхтатиш муддатини йил охирига қадар қўзиш ҳақидаги Ваёотининг тинчлик бониди курашишда янги, муҳим ва улкан қадам деб биламиз. Бу қарор халқимиз ва партияимизнинг одилолигида, инсонпарварлигида, ақл-идронини юксак эъзозлашдан далолат беради. Биз дунёнинг келажagini, бутун дунё халқларининг бахт-саодатини, омонлигини, тинч-тотув яшашини чин юракдан истаймиз. Онамизнинг атом уруши натижасида қўнжакун бўлишини, Ер юзюда ҳаётнинг сўнишини мутлақо истамаймиз.

Урушга қарши, тинчлик учун кураш борасида олиб бораётган мардонавор, оқилона ишмиз дунё халқларининг келажакнинг, авлодлар тақдирининг таъвоиси билан бўлаётган муқаддас ишдир. Биз ҳаётнинг давом этишини, она еримишни борган сари туллашини, гўзаллашини, болаларимизнинг бахтли кун кечиришини, меҳнат ва ижод билан яшашини истаймиз. Ҳеч шубҳасиз, бутун дунёдаги яхши ниятли одамлар бизнинг тарафимизда, бизнинг истагимизга қўшилибдилар, биз билан ҳамнафас. Булар кўпчилиги. Оқибатда бу ҳаракатимиз ижобий ақуллашга қатъий ишонамиз. Дунёда тинчлик барқарор бўлади. Бу замоннинг, инсониятнинг элгу тилаги.

Ҳамон эскича мулоҳаза юритадиган, қайсар, ҳақиқатдан, ҳаёт талабидан қўрқадан қўз юмидиган реакцион доиралар, ҳарбий санат корхоналарига муте бўлган Рейган кўпчилигининг таъйиқ билан ўзининг янгилик фикрлари оқибатда дунёга қўз қўрмаган фалокатлар келтирадиган, Ер юзюни қонга ботирадиган ниятларидан қайтиш керак. Дунё халқлари авантюристларнинг шун ниятларини фожия қилади ва бу қор ниятларини амалга ошишга асло йўл қўймайди.

Куч-қудрат кўпчилигининг, яхши ниятли инсонларнинг қўлида. Ҳақиқат, адолат биз томонда!

УЙГҮН,
Ўзбекистон ССР халқ шoirи,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ФАРЗАНДЛАР

Қишлоғимизда 160 дан ортиқ Қўрғончи она, юзлаб қўз болали оналар истеком қилинади. Қайси бир онага кирманг, ўғил-қизларимизнинг қувноқ чехралари бахт нури бақиб турганлигини кўриб, дилингиз севингча тўлади.

Болалар — умидимиз, келажакимиз. Уларнинг уруш қўрмай осойишта яшаш, жамиятининг муносиб аъзолари бўлиб камол топиши ва порлоқ истиқболни тўғрисида ғамхўрлик қилиш — ҳар бир ота-онанинг, яхши ниятли одамларнинг бурчи, инсонийлик тисмодир. Ўртоқ М. С. Горбачёв Ваёотининг, «Руде Правдо» газетаси бош редактори саволларига жавобларининг ҳар бир сатри ана шу ғамхўрлик руҳи билан сугорилган.

Мен ўн беш фарзанднинг онасиман. Ўғилларим Болтаббой педагог, Шайхназар, Мадиёр қурувчи, Қайитбой ҳисобчи, қизларим колхозчи, ишчи, хуллас бари инқилобий фойдалар меҳнатда фаол қатнашилган.

Биз, оналар ёшларни ватанпарвар, меҳнатсевар, гўзал фазилат эгалари қилиб тарбиялаш билан бирга, колхоз ишлаб чиқаришида актив қатнашмоқдамиз.

Қўрғончи ДАВЛАТОВА,
Богот районидagi Нариманов номи колхоз аъзоси, Қўрғончи она.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

13 сентябрь кунин Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида давлат мукофотлари топширилди.

Ўн ва ундан кўпроқ болали бонб ўстирган аёлларга «Қаҳрамон она» орденлари топширилди. Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун тақдирланган республика халқ хўжалиги турли тармоқларининг ходимлари, давлат катта бир гурусини ССР орден ва медаллари топширилди.

Самарқанд моддий-техника таъминоти бошқармаси маърузининг юк ташувчилар бригадари С. Давроновга, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 14-қурилиш трести 10-қурилиш-монтаж бошқармасининг мон. таъжирлар бригадари А. Мирзакановга ва Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 8-трести 5-қурилиш бошқар-

маси комплекс бригадасининг бошлиғи А. Я. Фунякка Ленин ордени берилди. Ўрта Осиё темир йўли «Ўзбекистон» локомотив депосининг слесари Г. Л. Васильев, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги Андижон уйсузлик комбинатининг директори Э. Т. Айратов, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 13-қурилиш трести 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг дурадгорлар бригадари И. Ф. Лазарь, «Самарқандхимстрой» трести 1-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи М. А. Хачатурян, Октябрь революцияси номи Тошкент тепловоз ремонт заводининг пўлат қурувчиси Е. А. Маршалов, Андижон умумий овнатланиш трести 1-чағнасининг пандаси С. Шарипова Октябрь революцияси ордени билан мукофотландилар.

Халқ маорифи ходимлари, фан ва маданият арбоблари.

дан бир гурусини Ўзбекистон ССРнинг фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисида гувоҳномалар, тегишли кўрак иншонлари, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Шу кунин Тошкентда Ўзбекистон ССР Махаллий саноат министрлигининг бир гурусина ходимларига давлат мукофотлари топширилди. Улар ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун ССР орден ва медалларига сазовор бўлибдилар.

Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бirlанмасининг тикувчи-мотористи М. Мирзакановга ва Тошкент бадий буюмлар фабрикасининг каттачиси Р. Шарофиддиновга Ленин ордени топширилди.

[ЎЗАТА].



ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР

- Теримни қисқа муддатларда уюшқоқлик билан ўтказайлик.
- Ҳар бир хўжаликда уруғлик пахта тайёрлаш бўйича белгиланган топшириқларни тўла ва ошириб бажариш таъминлансин.
- Пешқадам хўжаликларда машина терими бошланди. Дефолиацияни тезроқ тугаллаб, ҳамма жойда терим агрегатларининг юксак унум билан ишлашга эришайлик.
- Мусобақа илгорларидан ўрнак олини!

САМАРҚАНДДА ТЕРИМ БОШЛАНДИ

Самарқанд воҳаси деҳқонлари ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки пахта хирмонларини тиклай бошладилар. Пахтачи райони пахтакорлари «оқ олтин» қарвонларини тиздилар. Охунбобоев номи, «Коммунизм», К. Маркс номи, Свердлов номи колхозларида йиғим-терим ёппасига бошланиб кетди.

— Ҳар кунин қабул пунктига 5-10 тонна атрофида пахта жўнатишимиз, — дейди Охунбобоев номи колхоз бригадари Е. Эргашев.

— Албатта, бу ҳали катта ишларнинг дебюти. Яқин кунларда далаларга агрегатларни олиб киришимиз. У. Икромов, Н. Сафаров каби ишчиларимиз теримга шайлаб туришибди. Улар учун бригаданинг 70 гектар майдонини ажратилган. Машина терими бошлангач, кунлик ўсиш

суръатини 5 процентга етказамиз. Ҳар гектар ердан 42 центнердан хирмон қўтармоғимиз лозим.

Пахтачиларга эргашиб Пайариқ райони заршунослари ҳам теримни бошлаб юбордилар. «Ленинизм» колхозининг А. Нишонов бошлиқ бригадаси аъзолари районда биринчи бўлиб этак тақдилар. Ленинзмиларнинг 50 тонналик дастлабки қизил қарвони пахта қабул пунктида тантана билан кўтирилди.

Нарпай, Каттақўрғон, Иштихон районларида ҳам ишлаб етилган ҳосилни теришга киришилди. Уларда ҳозир машина терими учун ажратилган далаларини сифатли дефолиация қилиш қизғин давом этмоқда.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СУРЪАТ ОШМОҚДА

Ангор районидagi «Таллимарон» совхозининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Боймурод Жумаев бошлиқ 2-бригадасида пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди. Ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида мавжуд 61 гектар майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» тўплашга азму қарор қилган бригада заршунослари ўзаро

социалистик мусобақани ави олдириб юбордилар. Махфират Эшонхўжаева, Фотима Утаева, Дилбар Холмуродова, Раъно Эшонхўжаева, Малика Жумаева каби чевар теримчиларнинг ҳар бири кунига эл хирмонига 90—100 килограммдан дурдона тўкишмоқда.

Ш. МАҲМАДИЕРОВ.

„ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 13 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).
Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошдан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошдан буён.

Бухоро	1,14	7,04	—	—
Фарғона	1,03	3,45	0,04	0,06
Сурхондарё	0,55	3,30	0,01	0,06
Қашқадарё	0,43	2,29	—	—
ҚАССР	0,47	2,11	—	—
Андижон	0,39	0,71	—	—
Хоразм	0,60	0,64	—	—
Тошкент	0,21	0,63	—	—
Навоий	0,28	0,39	—	—
Наманган	0,20	0,20	—	—
Самарқанд	0,04	0,05	—	—
Сирдарё	0,02	0,02	—	—
Жиззах	—	—	—	—

Республика бўйича:	0,44	1,77	—	0,01
Шу жумладан илгичка:	0,82	5,45	—	—
Сурхондарё	0,38	1,22	—	—
Бухоро	0,14	0,44	—	—
Қашқадарё	—	—	—	—

Республика бўйича:	0,62	3,52	—	—
--------------------	------	------	---	---

ЗАФАР ҚУЧДИЛАР

Шахрисабз районидagi «Ўзбекистон XX с'езди» коммунист

бошлиқ сабавотчилик ва богдорчилик бригадасида давлатда мўл ҳосил ештирилди. Кунин кеча улар дав-

латга 160 тонна ўринга 175 тонна помидор ҳосили топириб, катта зафар қучдилар.

А. МУҚИМОВ.

даромад олиш, ичкиликбозлик, г'ивандлик, ўғирлик каби зарарли ҳодисаларни жамиятимиздан ситиб чиқаришга қаратилган конкрет тақдирлар айтилди. Кенгаш қатнашчилари меҳнат коллективларида ҳуқуқ нормаларига риоя этиш, граждандарни юксак онглилик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ билимларини пропаганда қилишни кенгайтириш масалаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш йўллари белгиладилар.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими А. С. Павлов иштирок этди.

[ЎЗАТА].

СОЦИАЛИСТИК ҚОНУНЧИЛИК МУСТАҲКАМЛАНДИ

13 сентябрь кунин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидagi бўлиб ўтган кенгашда республикада социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди. Кенгашда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети юридик бўлимларининг мудирлари, республи-

лика ва област ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари ҳамда партия ташкилотларининг секретарлари, област партия комитетлари иккинчи секретарлари ва маъмурий органлар бўлимларининг мудирлари қатнашдилар. Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Умоновхўжаев оч-

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анисчевнинг докладыда ишнинг мавжуд аҳолига оъевтириб баҳо берилди. Республикада иқтисодий ва социал ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олиш лозим бўлган қайта қуриш йўлида дастлабки қадамларни қўйилганлиги айтиб ўтилди. Бундай шароитда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ тартибот-

ни муҳофаза қилиш юзасидан партия, совет ва ҳуқуқ органлари ишини бутун чоралар билан яхшилашга муҳим аҳамият берилмоқда. Ким бўлишдан қатъи назар, қонундан ҳар қандай чекинйишларга қарши муро-саеиз кураш олиб бориш, ҳужалик масалаларини ҳал этишнинг ҳуқуқий воситалари таъсирини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Қўшиб ёзиш, меҳнатсиз

